Миллий тиклaниш —
миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 4-aprel, chorshanba, 14 (397)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



СОВРИНДОРЛАР

Унинг кўп вақти устахонаси — ижодхонасида ўтади. У бу ерга дилидаги бор меҳри, бутун куч-ғайрати, ҳайратини тўплаб кириб келади. Кунлар тунларга уланаверади, унинг меҳнатсевар қўли тиним билмайди, ишлашдан чарчамайди. Заргарларга хос сабрли кўнгли, зийрак нигоҳлари, бутун қалб-шуури хаёлида тинмай айланаётган янги ғояни тезроқ амалга оширишга, юзага чиқаришга шошилади. Бу ижодхонада вақтнинг ўтгани сезилмайди, устанинг қўлидаги болғача ва ишлов берилаётган буюмнинг тиқир-тиқир товушидан бўлак овоз эшитилмайди. Бу овоз нимаси биландир дилга яқин оҳангларни ёдга солади, мусиқийлик касб этади. Унинг хаёлини ўғирлаган ҳунарнинг бор сирсиноати ҳам шу дилтортар оҳангда яширингандек гўё.

СОДИҚЖОН УСТА

Ўзбек миллий ҳунармандчилик марказларидан бири бўлган Шаҳрихон шаҳрида таваллуд топган Содиқжон болалигидан ҳунарли кишиларга меҳр билан қарар, уларга ҳавас қиларди. Ўшанда йиллар ўтиб ўзи ҳам уста бўлиши, ўнлаб шогирдларига ҳунарини ўргатиши тақдирида борлигини сезмаган бўлсада, айнан шундай бўлишини орзу қилганди. Шундай бўлди ҳам. Бугун унинг қўлларида қалб меҳри билан ишланган буюмлар санъат ихлосмандларининг эътиборида. Чин кўнгилдан қилинган яхши ният ижобат бўлади, деганлари шу бўлса керак-да.

У пичоқчилик касбининг сир-синоатларини дастлаб Шаҳрихон пичоқсозлик мактабининг етук вакили, уста Раҳматхўжа Алихўжаевдан ўрганган бўлса, кўконлик уста Рустамбек Улуғбековдан кандакорликни, наманганлик уста Муҳаммаджон Солижоновдан эса кумушга сайқал бериш ҳунарларини ўрганди. Ўзбекистон халқ устаси, тошкентлик заргар Фасиҳиддин Дадамуҳамедовдан ҳам сабоқ олди, маҳорати ошди. Кейинчалик у миллий ҳунармандчиликнинг учала йўналиши бўйича ҳам ўзига хос услубда ишлай бошлади, ҳунарини укаларига ҳам ўргатди.

Устанинг ижод намуналарини кузатаман. Негадир бу буюмларнинг чиройини кўриб унинг ўзи ҳам завқланиб кетса керак, деб ўйладим. Миллий услубда нақш бериб ишланган турли хил катталикдаги пичоқлар, ханжару қиличлар, рангли металлдан ясалган нақшинкор қинлар ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Уста кумуш қинларга ва металлга унут бўлиб бораётган савотгарлик усулида безак бериш санъатини ҳам пухта эгаллагани кўриниб турибди. Ҳар бир буюмга узоқ вақт тикилиб қоласиз. Яхшилаб кузатсангиз, улар заргарона маҳорат ва ички бир зийраклик, ўзига хос дид билан ишланганига амин бўласиз. Бу турли-туман, нақшинкор санъат асарлари орасида совғабоп буюмлар жуда кўп. Рўзғорга ишлатиладиган оддийгина пичоқлар ҳам зеб бериб ишланган. Айниқса, дастаси сайғоқ, қўтос шохидан, илик суякларидан қилинган, латун, мис, кумуш қопламали ўткир тиғли буюмлар қунт билан яратилган. Уста катта маҳорат билан ишлаган "Шамшири Бобур" ва "Амир Темур" номли қиличлар кўрган кишини мозийга томон етаклайди. Бу ижодий ишлари учун у халқаро "Бобур" жамғармасининг махсус мукофотига сазовор бўлган.

Туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилган миллий ҳунармандчилик кўргазмаларидаги мувафақиятлар уни хориж давлатларидаги санъат ихлосмандлари ёнига етаклади. 1995 йилда Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон савдо уйи очилиши муносабати билан ўтказилган "Ўзбекистон халқ амалий санъати усталари" кўргазмасида Содиқжон Неъматов ҳам иштирок этди. У шу йилнинг баҳорида БМТ ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўргазмада ҳам қатнашди. 1996 йилда бўлиб ўтган "Буюк ипак йўли" 2-ярмаркасида муваффақиятли иштирок этди. 2006 йилда эса уста миллий услубда ишланган ижодий ишлари билан Қирғизистоннинг Иссиққўл вилояти Томди айилида бўлиб ўтган "ОЙМО" фестивалида қатнашиб, Қирғизистон Республикаси Маданият вазирлигининг дипломи билан тақдирланди.

У айни кунларда шогирдларига бош бўлиб "Ҳунармандлар" уюшмасининг "Халқ ҳунармандчилигини тиклаш маркази" ҳамда "Зариф", "Саида" фирмалари билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Қўли гул устанинг элликдан ортиқ шогирдларидан 31 нафари бугунги кунда мустақил иш юритаётир. Устанинг ишларини негадир санъат асарига қиёслагим келаверади. Сабаби, гулдор, нақшинкор чизиқлар меҳр билан чизилган, ҳар бир буюм қунт билан ишланганини бир кўришдаёқ сезасиз. Унинг ижодий ишлари ҳозирги кунда Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирликлари, Хитой, Япония, Туркия, Италия, Франция, Швеция, Швейцария ва Германия каби мамлакатларда ҳам сотилмоқда.

"Ташаббус-2007" кўрик-танловининг якуний босқичида Содиқжон Неъматов "Энг яхши ҳунарманд" деб топилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — "Матиз" автомобили билан тақдирланди. Ҳалол меҳнатнинг нони ширин, меҳнатдан топилган бахт чиройли бўлади, дейди пиру бадавлат кексаларимиз. Содиқжон устанинг ютуғи ҳам ҳалол меҳнат, сабр ва қунт билан ўрганилган ҳунарнинг берган бахтидир.

Устанинг асарларини кўриб ҳунарли кишилар гапирмайдилар, қараб тур, ҳунарнинг ўзи гапирар, деган ҳикматомуз гап ёдимга тушди. Чиндан ҳам шундай. Меҳнатсевар одамлар камгап бўлишади. Суҳбатдошим ҳам гапни мухтасар қилиб: "Ишларимни кимдир хонадонида эъзозлаб, сақлаб қўйганини кўрсам, қувонаман. Устанинг меҳнатига берилган ҳақиқий баҳо шу бўлади", — дедилар.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
«Миллий тикланиш» мухбири.
Азамат АҲМАД олган сурат.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Соғлом миллат — мустақиллик пойдевори» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилояти Ғаллаорол туман кенгаши томонидан «Қизлар камоли, одоби, идроки» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда хотин-қизларнинг роли» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Ғузор туман кенгаши томонидан атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан тадбир ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши ва вилоят Халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигидаги «Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз» мавзуида эълон қилинган иншолар кўрик-танловининг биринчи босқичи якунланди.

* * *

Партиянинг Дўстлик туман кенгаши ташаббуси билан «Ёш авлодда Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Ангор туман кенгаши томонидан «Истиқлол қизлари» деб номланган тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан «Савоб кексалар кафтида, ёшлар кифтида» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Ўрта Чирчиқ туман кенгаши томонидан «Меҳр-мурувват — улуғ фазилат» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жиззах туман кенгаши ташаббуси билан «Энг яхши китобхон» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Норин туман кенгаши томонидан «Касбим менинг — фахрим менинг» мавзуида танлов ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Бугуннинг гапи

«Бугунги кунда ёшлар онги ва маънавияти кўпроқ телевидение ва радио, кино, театр афишалари, турли газета-журналлар орқали юксалиб бормоқда, мактабдан эса ғира-шира хотиралар эсда қолади», — деган эди ажнабий донишмандлардан бири Моль Абрам. Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшлар маънавиятининг ўсишида оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг ичида, айниқса, телевидениенинг ўрни ниҳоятда катта. Бир-биридан қизиқ кўрсатувлар, киноларни кўрар эканмиз, бундан, албатта, завқ оламиз, маънавий қониқиш ҳосил қиламиз.

ЛОТЕРЕЯ НИМА?

Лекин тез-тез такрорланувчи рекламалар баъзан ғашимизга тегади. Уларда, кўпроқ лотереялар ҳақида гап боради. Яқинда бир дўстим шу лотереялардан машина ютаман деб 30 минг сўмдан ортиқ пули кетганлигини айтиб қолди. Ҳа, омад келмаса, ҳаммаси бекор экан. Шу ўринда яна бир маълумот. Ангор туманининг Янги бозорида фирибгарларнинг «Оқ-олтин» деган лаҳзалик лотерея ўйини кашф қилинибди. Усталик билан ўйлаб чиқилган бу ўйинда ютиб туриб қандай ютқазганингизни билмай қоласиз.

Қимор ўйини, қиморбозликнинг ёмон оқибатларга олиб келишини яхши биламиз. Лотерея ўйинлари ҳам қиморбозликнинг янгича шакли эмасмикан? Ҳар иккаласида ҳам меҳнатсиз-машаққатсиз бойликка эга бўлиш тарғиб қилинади. Лотерея ўйинлари айрим тушкунликка учраган инсонларни чалғитади. Лекин меҳнатсиз топилган молмулк вафо қилармиди?

Лотерея ўйинлари инсон онгида ҳеч бир қийинчиликсиз, бирданига катта бойликка эга бўлиш фикрини уйғотади, бунинг оқибатида эса у пул топишнинг турли йўлларини ўйлаб чиқади. Оқибатда, ўз нафсининг қулига айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Имом Бухорий ҳадисларидан бирида шундай дейилади: «Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар, Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларга шундай замон келадики, инсон ўзи топган молу дунёсини ҳалол йўл бирлан топдими ёки ҳаром йўл билан топдими, иши бўлмай қўяди», — дедилар». Дарҳақиқат, мулоҳаза қилиб кўрайлик, мол-мулкни қандай йўл билан топаяпмиз? Ҳар бир яхши-ёмон ишимиз жавобсиз қолмайди. Нафснинг қулига айланган инсонни эса дабдабали ҳаёт, шуҳрат ва юзаки обрў қизиқтиради. Шунинг учун у ўз шахсий манфаати ва обрўси йўлида ҳар қандай риёкорликдан қайтмайди. Хаёлдан ўтган фикргача огоҳ бўлган Аллоҳнинг азобидан қўрққан инсон эса ёмон иш қилишга ботинолмайди.

Мустақил Ўзбекистонимизда миллатимизнинг ўзини ўзи англаши, миллий тафаккур равнақига кенг йўл очиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Бугунги бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган жамиятда умуминсоний қадриятлар, миллий мерос ва анъаналар асосида иш олиб борсак, Ватанимиз миллий ҳуқуқий-демократик давлат сифатида ривожланиб боради.

Тўра ЧОРШАНБИЕВ,
Қизириқ туман педагогика касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, «Миллий тикланиш» партияси аъзоси.

Партия ҳаёти

ОШКОРА, ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТДИ

Яқинда ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашида партия фаолияти муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда партия Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хуршид Дўстмуҳамедов вилоятда амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар тўғрисида гапирди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова партия ички алоқаларини янада мустаҳкамлаш, бадал тўловлари тизимидаги тажрибалар билан ўртоқлашди.

Тадбирдан чиқарилган хулоса шундай бўлдики, «Миллий тикланиш»чилар ҳали кўп, жуда кўп ишлашлари керак. Партия аъзолари сафини фаол, фидойи, бир сўз билан айтганда, муносиб кадрлар ҳисобига мустаҳкамлаб бориш муҳимдир. Таъкидландики, вилоятда партия нуфузи билан алоқадор бу масалада ҳали жиддий ишлаш керак. Айниқса, аҳолининг зиёли қисми вакилларини кўпроқ жалб этиш, ёшлар қаноти фаолиятини кучайтириш зарур. Мустаҳкам ва барқарор иқтисодий аҳвол партия фаолияти савияси қамровида муҳим ўрин тутади. Бу, албатта, партияни давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиришгагина боғлиқ эмас. Аъзолик бадаллари йиғими тизими ҳам бенуқсон ишлаши керак. Бу масалада ҳам камчиликлар мавжуд. Йиғилишда одамлар кўнглига янгича ёндашиш — "чақириш эмас, бориш" маданияти тўғрисида сўз юритилди. Туманлар партия кенгашлари котиблари таклифларини, ўзларини қийнаб келаётган муаммоларни очиқ-ошкора ўртоқлашишди. ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Абдуқаюм Каримов йиғилишда билдирилган таҳлиллар ва танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилишини, таклифлар тадбиқ этилишини айтди.

Ҳар бир партиянинг ўз сиёсий минбари — нашрига эга бўлиши қанчалик муҳим эканлигини шарҳлаш шарт бўлмаса керак. "Миллий тикланиш" ЎзМТДПнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий газетаси ҳисобланади. Хўш, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, лоақал обунасини ташкил этиш қай аҳволда? Бу аҳволга, афсуски, жавоб бериш мушкул. Салкам 6000 нафар партия аъзосига эга бўлган вилоятга, сотув билан қўшиб айтадиган бўлсак, 150 дона газета келади! Пастдарғом туманида обуначилар олти нафар, Пайариқ, Самарқанд туманларида 3 Каттақўрғон шаҳрида бир нафар эканлигини қандай изоҳлаш керак?! Пахтачи, Каттақўрғон, Қўшработ, Нуробод, Оқдарё, Тойлоқ, Ургут туманларида умуман бир дона ҳам обуна бўлинмаганлигиничи?! Ахир, ўша туманларда ҳам кенгашлар ишлаб турибди-ку! Улар партия ҳаёти, янгиликларидан хабарсиз қандай нафас олишмоқда, тушуниш қийин. Ҳали ҳам кеч эмас. Йилнинг қолган ойлари учун обунани ташкил этса бўлади. Яна бир гап, партия аъзолари, ҳатто, котибларнинг ҳам матбуот саҳифаларидаги иштироки сезилмаяпти. Таъсирли, аудиторияси катта минбар ҳисобланмиш газетадан самарали фойдаланилмаяпти.

Хуллас, йиғилиш баҳона партиядошлар кўнгилдан маслаҳатлашиб, режалар хусусида келишиб олдилар. Юзма-юз суҳбатда айтилган гаплар ошкора, аччиқ бўлди. Бу эса унинг самарасиз қолмаслигидан далолатдир.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Фракция йиғилиши

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг Олий Мажлис Сенатида қабул қилинганлиги муносабати билан партия олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

— Мазкур қонунлар сиёсий партияларга мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир ўтказиш, давлат бошқарувини янгилашда, мамлакатни янада демократлаштиришда фаол иштирок этиш учун катта имкониятлар беради, — деди фракция раҳбари, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Х.Дўстмуҳамедов. — Бу қонунлар сиёсий партиямизга қанчалик кенг ҳуқуқ ва имконият берса, шунчалик масъулият ҳам юклайди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши Раёсатининг қарорлари ижроси вилоят кенгашларида қандай бажарилаётгани хусусидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

ЁШЛАР – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Истиқлолга эришганимиздан буён юртимиз келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилдики, бунинг натижаси бугунга келиб яққол кўзга ташланмоқда. Жойларда бўлгани каби Навоий вилоятидаги ўқув-тарбия масканларининг ютуқлари ҳам анча салмоқли.

Вилоятдаги ўқув даргоҳларининг пешқадами сифатида Навбаҳор туманидаги Ибодулла Нуров раҳбарлик қилаётган "Истиқлол" саноат касб-ҳунар коллежини эътироф этмоқ лозим. 1125 ўқувчи таҳсил олаётган бу зиё масканида ўқув-амалий машғулотлар, маънавий-маърифий тадбирлар режа асосида ташкил этилган. Назарий билимларни янада мустаҳкамлаш мақсадида 2 та цех ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Дон ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи бу цехларда 7 турдаги саноат маҳсулотлари тайёрланади.

Қизилтепа туманида коллежлар сони яна битта кўпайди. Ўқув йили бошида қурилиш, уй-жой, коммунал хўжалиги коллежи ишга туширилиб, у 270 йигит-қизни ўз бағрига олди. Таълим масканига тажрибали ва билимдон ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилинди. Бу ерда талабаларга барча шароитлар яратилган. Спорт мажмуаси, ўқув курслари, ахборот-ресурс маркази ёшларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатмоқда.

Хатирчи уй-жой коммунал хўжалик коллежида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Билим юрти директори Назира Тоғаева яқинда Германияда тажриба орттириб қайтди. Эгаллаган билимларини коллежда жорий қилиш борасида ҳам талай ишларни амалга оширди. Жамоа иқтисодини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш ёки қўшимча ердан фойдаланиш йўлга қўйилса ёмон бўлмайди. Коллежда талабалар турар-жойига эҳтиёж бор.

Тумандаги агроиқтисодиёт коллежида 1057 ўқувчи касб-ҳунар эгаллаётир. Ахборот-ресурс

марказида бўлиб ўтган семинарда унинг фаолияти туманда энг намунали деб топилди. Ўқув юртида ободончиликка ҳам катта эътибор бериляпти. Қишлоқ хўжалик коллежида нафақат маҳаллий, балки қўшни Бухоро вилоятидан келган ёшларга ҳам таълим берилмоқда. Маънавий-маърифий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Ёшларга ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг салбий оқибатлари мунтазам равишда тушунтирилиб борилади.

Қишлоқ ёшлари ҳаёти билан яқиндан танишиш истагида Нурота туманида бўлиб, таниқли чорвадор, хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Зайниддин Омонов билан суҳбатлашдик.

— Бизда 96 отар-оила, яъни 500 пайчи ишлайди, — дейди «Нурота» хўжалиги раҳбари З. Омонов. — Уларнинг аксарияти ёшлар. Яйловларимизда 56097 бош қўй-қўзи, 300 бош йилқи, 25 бош қорамол боқилмоқда, ўрдакчилик ва асаларичилик ҳам йўлга қўйилаётир. Ҳудудимизда 9 та мактаб, 4 та боғча, иккита врачлик пункти ва касалхона мавжуд бўлиб, улар доимий фаолият кўрсатади.

З.Омонов раҳбарлигидаги жамоанинг яна бир неча ютуғи борки, уларга қойил қолмай бўлмайди. Бу ерда чорвадорлар меҳнати илмий асосда ташкил этилиб, қорақўлнинг бир неча янги навлари яратилган. Кенг даштликларга лалми ғалла экилиб, чўпон-чўлиқлар йил бўйи дон билан таъминланади. Ўтган йили 450 тонна ҳосилдан 100 тонна уруғлик ҳам олинди. 18 гектар ерда томчилатиб суғориш йўли билан боғ барпо этилиб, 6-7 турдаги мевали дарахтлар кўкартирилди. Бир неча йилдирки, улар мевасидан ёшу қари баҳраманд. Суюн Файзанов ва Тошбек Қораев каби чўпонлар билан суҳбатлашганимизда, ишларидан ҳам, турмушларидан ҳам мамнунликларини айтдилар.

Хўжаликдаги 32 ва 34-умумтаълим мактабларида бўлганимизда ўқувчиларга яратилган шароит, ўқув тарбия жараёни ҳамда ёшларни сиёсий-ғоявий жиҳатдан тарбиялашга бўлган юксак иштиёқ ва амалиётга гувоҳ бўлдик. Масалан, 32-мактабда маънавият ишларига икки киши: Воҳид Нурматов ва Наргиза Холова масъул.

Учқудуқ туманидаги 9-умутаълим мактабида 1136 ўқувчи таълим олади. Бу ерда 16 нафар ёш мутахассис дарс беради. Таълим масканида компьютерлар Интернет тизимига уланганлиги сабабли олис чўл бағрида ёшлар дунё янгиликларидан бохабар бўлиш имкониятига эга. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Абулайхон Шектибаев доим ёшлар билан бирга. Тумандаги 29-умумтаълим мактабида ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилаётир. Ўқувчилар билан бўлган суҳбатларда ёшлар онгу қарашларида юз бераётган ўзгаришларни ҳис қилдик.

Конимех туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабдан ташқари муассасаларда ёшлар орасида спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Туман миқёсида бўлиб ўтган "Омад кубоги", "Соғломжон — полвонжон", "Спортчилар оиласи", "Чаққон қизлар" каби кўплаб мусобақалар ўтказилди. Уларда туман спорт мактаби, «Олтин калитча» боғчаси, 2-умутаълим мактаб жамоалари совринли ўринларни эгалладилар.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда таълим, тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бахтиёр ТЕМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

ЭКСПОРТ КЎПАЙМОҚДА

«Бухороёғ» акциядорлик жамияти маҳсулотлари ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради. Бу нуфузли корхона маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Биз жамиятдаги ижобий ўзгаришлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда келгусида режалаштирилаётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик.

600 кишидан иборат жамоа меҳнат қилаётган корхонада 12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ўрнатилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бугун бу ерда фақат техник чигитни қайта ишлаш билангина чекланиб қолмай, балки бозор талабларини ўрганиш асосида сифат жиҳатидан жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ҳам бозорга чиқарилмоқда.

Ўтган йили корхона билан 4 мингга яқин фермер, 10 дан ортиқ ширкат, 30 дан зиёд ёрдамчи хўжалик шартнома имзолаган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 1,5 ҳиссага ошди.

Энди «Бухороёғ» тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам етказиб берилмоқда. Агар ўтган йили хорижий истеъмолчиларга 20 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотилиб, бу борадаги белгиланган топшириқ 117 фоизга уддаланган бўлса, жорий йилда экспорт салоҳиятини янада ошириш мўлжалланаётир. Йил давомида камида 25 миллион долларлик маҳсулот четга чиқарилиши режалаштирилган.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан корхона томонидан 30 миллион сўм ажратилиб, уни «Меҳрибонлик уй»лари, кўзи ожизлар, ногиронлар жамиятларига ёрдам, фахрийлар ва кексаларга саховат кўрсатиш йўлида ишлатиш кўзда тутилган.

Ҳар бир жамоанинг иши самарали бўлишида унинг аҳиллиги ҳам муҳим. «Бухороёғ»даги ишчиларнинг ҳамжиҳатлиги фикримизга далил бўла олади.

— Дастлабки қадамни янгиликларни изчиллик билан ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан бошладик, — дейди корхона раҳбари Баҳром ака Мажидов. — Дастгоҳларни янгилаш, модернизация қилиш, энг муҳими, иш суръати ва сифатини тубдан яхшилаш эвазига самарадорликка эришиш сари интилишларимиз зое кетмади. Тез орада ишларимиз юришиб кетди. Ўтган йилнинг ўзидаёқ сарфланган харажатлар тўла-тўкис қопланиб, олдинги йилдагига нисбатан фойда салмоғини 20 миллион сўмга кўпайтиришнинг уддасидан чиқдик. Йил якуни бўйича акциядорларимизга қарийб 60 миллион сўм (умумий фойданинг 65 фоизи) маблағ дивиденд тариқасида тарқатилади. Қўшимча равишда уларга 9,9 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган ишчилар сулоласининг вакилларига, кам таъминланган оилаларга чорак охиридаги, ярим йилликдаги ишига қараб арзон нархда хўжалик совуни, ўсимлик ёғи, шрот ва шелуха тарқатилди.

Бугун корхонада иш қизғин. «Бухороёғ»да 2007 йилда эскирган асбоб-ускуна ва дастгоҳларни бутунлай янгилаш, юқори унумли технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш эвазига сифатли маҳсулот чиқариш миқдорини камида 1,5-2 фоизга ошириш кўзда тутилаётир. Демак, акциядорлик жамиятининг даромади ҳам эзгу ниятларига муносиб бўлмоғи шубҳасиздир.

Ихтиёр ЙЎЛДОШ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Вилоят кенгашларида

ОЗОД ЭЛГА ОБОД ГЎШАЛАР ЯРАШАДИ

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши аҳоли ўртасида турли хил маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш билан бирга, миллий қадриятларимизни, маънавий меросимизни асраш борасида ҳам хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Фаол партиядошларимиз томонидан жойларда қилинаётган эзгу ишлар бунинг ёрқин далилидир. Партиянинг Зомин туман кенгаши ташаббуси билан «Хўжамушкент ота» зиёратгоҳини ободонлаштириштек хайрли иш бир йил аввал бошланган эди. Оқсоқолларнинг хайрли ташаббусига зиёратгоҳ атрофида яшовчи Эрганакли, Феруз, Бойот, Боғот қишлоқларининг савобталаб, саховатпеша кишилари амалий ёрдамлари билан жавоб беришди. Қурилиш ишларига ҳомийлар ва хайриядан тушган маблағ ҳисобидан 40 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Ташаббус амалий жараёнга кўчди. Ҳар бир қишлоқ аҳли навбат билан ҳашар уюштириб усталар ишини енгиллатиб туришди. Кўпдан қуён қочиб қутулмас деганларидек, уюшқоқлик билан ташкил этилган савобли иш ҳам хайрли кечди. Азимжон Эргашев, Бахтиёр Эралиев сингари саховатпеша кишиларнинг ҳиммати, мажмуа назоратчиси Муроджон Салимов, «Хўжамушкент ота» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хўжақул Холмуродов ҳамда ЎзМТДП Зомин туман кенгаши раиси Саттор Қорабоевларнинг саъй-ҳаракатлари билан қурилиш, ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Қарийб 14 гектар ерни эгаллаган зиёратгоҳ кўзни қувонтирадиган даражада ободонлаштирилди.

Зиёратгоҳга олиб кирадиган, унинг ичини кесиб ўтадиган йўл ва йўлаклар асфальтланди. Йўллар, мажмуа атрофига дарахт кўчатлари, Зомин тоғларидан келтирилган арчалар, турли-туман гуллар экилди. Йўлнинг сойликка ва ариққа туташган жойларига кўприклар, зиёратгоҳ ёнига шарқона услубдаги катта пешайвон қурилди. Суви типтиниқ, каттагина ҳовузда сузиб юрган балиқларни кўриб, мажмуага келган ҳар бир кишининг баҳридили очилади.

Озод элга обод гўшалар ярашади. Эзгуликлар рўёби йўлида эл манфаатини кўзлаб қилинган ҳар бир иш савоблидир. Вилоят кенгаши фаоллари билан келишган ҳолда бундай хайрли ишларни ташкил қилиш, ҳашарлар ўтказишни режалаштирдик. Бу каби тадбирлар партиядошлар ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлайди, албатта.

Фурқат ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

Таълим ва ислоҳот

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБИ

Мактаблар ўртасида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Йилнинг энг яхши мактаби" кўрик-танловининг бу йилги республика босқичи Навоий вилояти, Зарафшон шаҳридаги 2005 йилнинг "Энг яхши мактаби" дея эътироф этилган 13-мактабда якунланди.

Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган кўрик-танлов иштирокчилари Навоий вилоятидаги умумтаълим мактабларида олиб борилаётган таълим ислоҳотларининг гувоҳи бўлишди. Айниқса, шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан ўқув даргоҳларига ҳомийлар эътиборининг қаратилганлиги кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Бугунги кунда ўқитувчи ва ўқувчининг ахборот технологияларидан кенг фойдаланиб ижодий ишларга қўл ураётгани, таълим бошқа тилларда олиб борилаётган ўқув масканларидаги шарт-шароитлар, спорт соҳасидаги кўрсаткичларни кўпчилик эътироф этди.

Хуллас, кўрик-танлов Зарафшон тажрибасини ўрганиш, фикр-мулоҳазалар билдириш, ижодий кенгашиш билан бошланди.

— Биз бугун сўнгги босқични якунлаш учун йиғилдик, — деди ҳакамлар ҳайъати раиси, Халқ таълими вазирлиги Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А.Носиров. — Саҳнада намойиш этиладиган икки шарт хулосалари сўнгги сўзни айтишимизга асос бўлолмайди. Чунки, танлов аллақачон бошланиб, эксперт комиссияси жойларда бўлиб, Низом асосида қатор шартлар бўйича мавжуд аҳволни ўрганиб қайтишган. Демоқчиманки, тегишли баллар йиғилган.

Барча шартлар бўйича кўрик-танлов якунланди. Хулосаларга кўра, 75 балл тўплаган Тошкент вилояти, Бекобод шаҳридаги 16-мактаб "Йилнинг энг яхши мактаби" деб топилди. Иккинчи ўринга эса Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 260-мактаб ҳамда Андижон вилоятининг Кўрғонтепа туманидаги 5-мактаб лойиқ деб топилди. Навоий вилоятининг Кармана туманидаги 10, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги 9-мактаблар ва Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги 13-ихтисослашган мактаб-интернати жамоалари 3-ўрин соҳиби бўлишди.

Шунингдек, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги 8-мактаб "Мазмунни изловчи мактаб", Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги 33-мактаб "Илғор тажриба мактаби", Самарқанд шаҳридаги 51-мактаб "Энг замонавий мактаб", Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги 19-мактаб "Тадбиркор раҳбар ва жамоа", Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги 7-ихтисослашган мактаб-интернати "Чемпионлар мактаби", Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги 4-мактаб "Ташаббускор раҳбар ва жамоа", Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги 90-мактаб "Ижодкор раҳбар ва жамоа" номинацияларига эга бўлди. Ғолиб жамоаларга Халқ таълими вазирлигининг махсус совғалари топширилди.

Шерзод АҲМАТОВ,
Халқ таълими вазирлиги ахборот маркази ходими.

ФАОЛЛИК — КУНДАЛИК ВАЗИФА

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида ана шу ҳақда сўз борди. Йиғилишда партиянинг вилоят кенгаши раёсати аъзолари, шаҳар ва туман кенгашлари раислари иштирок этишди.

Вилоят кенгаши раиси Исо Адинаев Марказий кенгаш VII пленумининг «Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари партия кенгашларининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича вилоят партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва ««Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари юзасидан ҳудудий партия ташкилотларида бўлиб ўтган муҳокама якунлари ҳақида»ги қарор бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Вилоят кенгашининг 2007 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жума Чоршанбиев сўз олиб, йўл қўйилган камчиликларни йўқотиш учун зарур талаблар ва партия фаолиятидаги муҳим вазифалар ҳақида гапирди. Партия фаоллари режадаги ишларни амалга оширишга келишиб олишди.

Йиғилишда кўрилган масалалар , юзасидан қарор қабул қилинди.

Жуманазар АНОРОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Мерос

Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни амалга оширишда дунёвий ва диний қадриятларни шакллантириш муҳим ўрин тутади. Миллий қадриятлар етук миллий онг, миллий ғурур, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғуси заминидагина шаклланади, камол топади. У шубҳасиз ватанпарварлик туйғусини ҳам ўзига олади. Кишиларда она заминга бўлган муҳаббат қанча кучли бўлса, ҳар бир инсон ўз ватани тарихини, миллий қадриятларини, ўз тили, маданияти, урф-одатларини мукаммал билса, миллати тақдирига бефарқ қарамаса, мустақиллик шунчалик мустаҳкам бўлади. Ватанимиз бахт-саодати, халқимиз келажаги, истиқлолимиз тақдири ҳар биримиз учун муқаддасдир.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР — ЮКСАЛИШГА ЗАМИН

Дунёвий ва диний қадриятларимиз мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонимизни келажаги буюк давлатга айлантириш, фуқаролик жамиятини қуриш, бу жамиятда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳозирда олдимизда турган бош вазифалардандир. Халқимиз минг йиллар давомида аввалаб-асраб келаётган бой қадимий меросимиз, илм-фан, маданиятимиз бизнинг ютуқларимиз билан шаклланиб, бойиб боради, албатта. Бу тарихий қадриятлар, маънавий меросимизнинг ўзи катта бир хазинадир аслида. Бу хазинадан оқилона фойдаланишимиз лозим.

Аждодларимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг ажойиб тажрибалари, халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, миллий қадриятларимиз аҳамиятини йўқотмаслиги учун биз доимо уларга ҳурматда бўлишимиз, ёшларга бу ҳақда тўғри тушунча бериб боришимиз керак. Миллий менталитетимиз мафкурамизнинг тамал тошини қўяди. Миллий умуминсоний қадриятлар, ахлоқий, бадиий, фалсафий, диний қарашлар ва ғоялар мафкурамизнинг инсонпарварлик моҳиятини янада тўлдиради, бойитади, таъсирчанлигини оширади ва амалий аҳамиятини кучайтиради.

Мустақиллик жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган халқимиз ҳаётида, диёримизда яшаётган бошқа миллат вакиллари тақдирида, халқимизнинг турмуши, маданияти, маънавияти, дунёқарашида туб ўзгаришлар яратмоқда. Давлатимиз эндиликда ички ва ташқи сиёсатини мустақил равишда белгилаб, жаҳон ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли давлат сифатида фаол иштирок этмоқда.

Дунёвий ва диний қадриятлар, маънавият бўлмаган жойда бахт-саодат ҳам, иймон-эътиқод ҳам, эрк туйғуси, элга диёнату адолат ҳам бўлмайди. Маънавияти юксак даражада ривожланган миллатгина порлоқ истиқбол, мустақиллик учун курашда ўзида куч ва қудрат топа олади. Маънавияти, миллий қадриятлари замон билан ҳамнафас яшаётган миллат ўзлигини қадрлайди, қаддини тик тутади, ўтмиши билан ҳақли равишда фахрлана олади. Бу эса миллатнинг бахтли келажагидан нишонадир. Мустақил давлатимиз тараққиётга интилаётган даврда яшаётган эканмиз, ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш жуда муҳим масаладир.

Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ. Тарих замон билан ҳамнафас бўлгандагина миллат маънавий юксалиш йўлидан боради. Ўзлигини унутмаган миллатгина иқтисодий тараққиёт йўлидан оғишмайди. Чунки миллий қадриятлар юксалиш учун мустаҳкам заминдир.

Гулнора ХУСАИНОВА,
ЎзМУ катта ўқитувчиси.

СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида "Фарзандлар – юрт келажаги" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур олий таълим даргоҳи профессор-ўқитувчилари, тингловчилари, шоир ва ёзувчилар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, солиқ академияси ректори Э.Ғадоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида барча зарур шарт-шароитлар яратилаётганини таъкидладилар. Зеро, фарзандининг эртаси ҳақида қайғуриб яшаш миллатимизга хос эзгу фазилатлардандир.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимизда йўлга қўйилган узлуксиз таълим тизими ўз самарасини бермоқда. Солиқ йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашда ҳам айни шу тизим имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Солиқ коллежлари ва академик лицейларини муваффақиятли тугатган ёшларнинг кўпчилиги Солиқ академиясида таҳсил олмоқда. Тингловчиларнинг ўз соҳасининг етук мутахассислари, эл-юрт коригa ярайдиган инсонлар бўлиб таълим-тарбия олишлари учун академияда барча шароитлар яратилган.

Тадбирда ёшлар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

БАХТИМИЗГА ШИФОКОРЛАР ОМОН БЎЛСИН

Бу — истакми ёки орзу? Унинг нималигини аниқ билмадиму ҳар ҳолда ёруғ бир ният экани 82 ёшли табаррук отахоннинг юз-кўзларидан сезилиб турарди. Аслида бундай тилак ҳавас қилган кишиларингга нисбатан айтилади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманига қарашли "Нуроний" шифохонаси транспорт қатнови кам, баҳаво, атрофи манзарали дарахтлар билан ўралган сўлим гўшада жойлашган. Шифохонага киришинг билан қандайдир осудалик сени ўз бағрига олади. Офтобнинг ярқираб, олтин тангадек бўлиб туришида ҳам маъно бордек. Аслида инсоннинг ўзи ҳам олтин тангага ўхшамайдими. Агар у ўз баҳосини билса, шу баҳоси билан ўзига, атрофидагиларга фароғат бағишласа, у яшаётган юрт ҳам бу тангани қадрласа, қандай ёқимли ғурур. Президентимизнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойишида биринчи галда кексалар, ёлғиз қолган фуқаролар, уруш ва меҳнат фахрийларига меҳр, оқибат, рағбат кўрсатилсин, дейилишининг ўзи кўнглингга ёруғлик солади. Кексаларнинг дуоси юртни бало-қазодан асрайди. Тинчлик барқарор бўлади. Жамиятнинг бундай қатлами ижтимоий ҳимояга олиниши, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш замирида инсонпарварик, саховат, эзгулик амаллари ётади. "Нуроний" шифохонасида ҳам шундай амаллар устуворлигини кўрамиз.

— Шифохонамиз 1982 йилда ташкил топган бўлиб, илгари фақат Тошкент шаҳрида яшовчи қарияларга хизмат кўрсатарди. Геронтология, яъни қариликнинг олдини олиш марказига айлантирилгач, республикамизнинг турли вилоятларида яшаётган кексаларни ҳам жалб қилдик. Шифо маскани 250 ўринга мўлжалланган. Унда Иккинчи жаҳон, афғон урушлари қатнашчилари, Чернобиль ҳалокатида зарар кўрганлар, ёлғиз қариялар даволанишади, — дейди бош шифокор ўринбосари, олий тоифали врач Абдуқодир Азимов. — Беморлар атрофида 17 нафар малакали шифокор, 62 нафар ҳамшира парвона. Одам кексайгач боладек инжиқ, нозик, меҳру эътиборга муҳтож бўлиб қолади. Шифохонага келган беморларга аввало меҳрли, эътиборли бўлишга ҳаракат қиламиз. Бу масканда ишлаётганларга катта сабр-тоқат, бардош керак. Айрим кексаларнинг ҳеч кими йўқ. Парваришга муҳтож. Баъзиларининг қулоғи оғирроқ. Битта сўзни бир неча марта такрорлашингга тўғри келади. Баъзилар ўрин юпқа қилинган экан, каравотингни бошқаси йўқми, деб сўрашади. Дарҳол айтганини бажо келтирамиз. Кетишаётганда дуо қилиб кетишади.

— Абдуқодир ака, беморларнинг ёши ўтиб қолган. Бунинг устига айримлари жигар хасталиги билан оғриган бўлса, баъзиларининг буйраги оғрийди ёки қон босими ошиб турган бўлади. Овқатланиш тартиби ҳақида гапириб берсангиз.

— Кексалар юмшоқ, суюқ, тез ҳазм бўладиган, аммо витаминга бой таомларни истеъмол қилишлари керак. Агар у бемор бўлса, янаям жиддийроқ қараш керак бу масалага. Олий тоифали диет ҳамшира Зайнабхон Отақулова беморларнинг саломатлиги учун жон куйдириб, уларга ёқадиган таомларни пиширишга масъул ходимларимиздан. Ҳар бир бемор ўз врачи, ҳамширасини ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлганидек, яхши кўрган таомини ҳам ўзи айтиб туради. Агар улар кўнгли тусаган таом саломатлигига тўғри келса, бажонидил тайёрлаб берилади. Дейлик, биринчи столда ошқозон хасталиги билан оғриган, бешинчи столда жигари оғриган, ўнинчи столда юрак, ўпка касаллиги билан ҳасталанган беморлар овқатланишади. Ишчиларимизнинг асосий қисмини ўрта ёшлилар ташкил қилади. 162 нафар хотин-қизлар ўз мутахассислиги бўйича иш олиб боришади. Даволаниш учун бир кунда давлат томонидан 700 сўм сарфланса, бир кунлик овқат пули 1200 сўмни ташкил этади. Муассасанинг ўзида дори-дармон тайёрлаш лабораторияси бор. Шунинг учун барча дори-дармонларнинг нархи арзон. Беморлар бепул даволанишади. Ҳукуматимиз кекса ота-оналарнинг иззат-икромда яшаши, даволаниш муассасаларида бепул даволанишлари учун барча шароитларни яратиб берган. Терапея, кардиология, асаб ҳасталиги, психосоматика, шошилинч терапея бўлимларида тажрибали врач, ҳамшираларимиз ишлашади.

Биз онахонлар, отахонлар билан суҳбатга киришамиз.

Набира ОДИЛОВА — 66 ёш, тошкентлик:

— Шифохонага учинчи марта келишим. Бу шифохонанинг ходимлари хушмуомала бўлгани учун кўпчилик кексалар шу жойда даволангиси келади. Эшикдан киришинг билан очиқ чеҳра, самимият билан кутиб олишади ҳамшира қизлар. Яхши гап барибир яхши-да, ширин сўзларини эшитиб, оғриқларинг эсингдан чиққандай бўлади. 28 йил «Фатон» заводида ишладим. Ҳозир нафақадаман. Руҳимни чўктирмасликка ҳаракат қиламан. Албатта, тузалиб кетаман деган ишонч бор менда. Азиза, Динара исмли врач қизларимга мингдан минг раҳмат. Нодирахон деган ҳамшира бор. Ҳеч қийналмай қон томиримга тушади. Уларнинг холажон, деб муомала қилишларидан севинаман. Йигирманчи набирамнинг исмини Азиза деб қўйдим. Шулардек катта врач бўлишини хоҳлардим.

Марям РАҲИМБЕРДИЕВА — 71 ёш, Тошкент вилоятидан:

— Умрим далада ўтди. Энди оёғим оғрийди. Дилбар, Иродахон деган ҳамшира қизларим массаж қилишади, парафин қўйишади. Барака топишсин. Зерикиш деган нарса йўқ бу ерда. Турли жойлардан ўзимга ўхшаган беморлар келишган, улар билан гаплашиб ўтирамиз, телевизор кўрамиз. Шу қадар бир-биримиз билан иноқлашиб кетамизки, бу ердан чиққач ҳам борди-келдини узмаймиз, деб келишиб ҳам олдик.

Яҳё ота МАМАДИЁРОВ — 82 ёшда, Янгийўл туманидан:

— Кампирим Марҳаматхон билан бирга даволангани келдик. Шу пайтгача кўп сиҳатгоҳларда бўлгандим. Менга бу ердаги тартиб-интизом, шифокорларнинг муомаласи ёқади. Иккинчи жаҳон урушида 7 йил бўлдим. Уруш тамом бўлгач ҳам йигитлар йўқлиги, камлиги сабаб бизга тезда жавоб беришмаган. Урушда оёғимдан ўқ еганман. Ўша жароҳатнинг асорати ҳалигача тунлари уйқу бермайди менга. Шифокорларнинг беминнат ёрдами, меҳрибонлиги орқасидан ҳаловатимни топаман. Ҳамманинг ҳам боласи шуларга ўхшасин.

Суҳбатдошим дуога қўл очар экан, кўзларида ёш айланди. Отахон Дилбар Ғуломова, Раҳим Ғаниев, Дилором Ғафурова сингари шифокорларга, Мунира Абдуллаева, Феруза Оловиддинова сингари ҳамширалар, бош шифокор Муқаддас Ризаеваларга ҳам ўз миннатдорчилигини билдирди.

Шифохона йўлагида аравачада кекса онахонни олиб кетаётган ҳамширага кўзим тушди. Шифокорларни тўхатиб саволга тутаётган ота-онахонларни кузатдим. Бир фикр бошимда кузги япроқдек айланди. Инсон она қорнида пайдо бўлгандан то умрининг охиригача шифокорлар назоратида бўлар экан. Илоё, бахтимизга мана шу халоскор инсонларнинг ўзлари ҳам саломат бўлишсин.

Дилором ИСМОИЛОВА.

Истиқлол берган имкон

«НЕКСИЯ» МИНГАН ФЕРМЕР

"Болалик чоғларимда отамга далага нон-чой, овқат олиб борардим. Пахтазорлар четидаги ариқлар бўйида тутлар бўларди. Деҳқонлар уларнинг тагига ўтириб тушлик қилишарди. Энди-энди англаб етдимки, болалик йилларидаёқ ерга, далаларга меҳр қўйган эканман. Отам раҳматли Маҳкам Отабоев иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб қайтганди. Лекин шунда ҳам умрини далага, қишлоқ хўжалигига бағишлади. Узоқ йиллар пахтачилик бригадасига етакчилик қилди. "Маҳкам бригадир" деса туманда ҳамма танийдиган обрўэътиборли инсоннинг қизи бўлганимдан фахрланиб вояга етдим. Қошимизга ўсмаларни ҳам эгат бошида қўярдик. Севги қўшиқларини далада эшитишнинг лаззати бошқача. Кетмон чопмаган йигитларни йигит ўрнида кўрмайдиган ҳам биз эдик. Ҳақиқий иймонли деҳқон — падари бузрукворимдан "ота қизим" деган сўзни эшитиш мен учун ғурур бағишларди. Ота касбини танладим — кам бўлмадим. Даласини бир кун кўрмаса кўнгли тинчимайдиган, кечаси уйқуси келмайдиган деҳқонга айландим. Хаёл уйда ҳам, тўйда ҳам далага кетаверади".

Маҳбуба Отабоева билан суҳбатимизнинг қизиқ жойидан бир шингилини ўқувчига илиндик! Опа нафақат Жалақудуқ туманида, балки Андижон вилоятида ҳам кўзга кўринган "Истиқбол" фермер хўжалиги раҳбари. Бундай аёллар шаънига ,ҳар қанча илиқ сўзлар айтса ярашади.

Йигирма беш йил бригада бошлиғи бўлиб катта тажрибага эга Маҳбуба опа, мана, ўн йилдирки фермер хўжалигини бошқармоқда. Ҳар йили ҳар қандай ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам пахта, ғалла етиштириш учун белгиланган режаларини ортиғи билан уддалаб келаётир. Деҳқоннинг юзи эл-юрт олдида ёруғ бўлса, бу энг катта ютуқ, бахтнинг ҳам энг зўри ана шу. Шоншуҳратга, эътибор билан ataаталадиган номга эга бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Опага бундай бахтиёрлик насиб этган. У "Шуҳрат" медали соҳибаси. Қишлоқ хўжалигида андижонликлар учун энг оғир келган 2006 йилда ҳам фермер хўжалиги режаларини уддалади.

Битта оиласини, болачақасини боқишнинг уддасидан чиқа олмаётган айрим эркаклар ҳам бор. Шундай аёллар борки, улар ўнлаб одамларни яхшиликка етаклайди, йўл кўрсатади. Маҳбуба опа ҳам шундай салоҳиятга, иқтидорга эга бўлган ишбилармон ва тадбиркор аёллар сирасидан. Опа раҳбарлигидаги фермер хўжалигида эллик етти нафар аъзо бор. Улар бир оила каби елкадош. Гап-сўзлари-ю нигоҳларидаги қатъият, ҳаракатларидаги дадиллик ўзига ярашиб турибди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ўрни ва нуфузи, ҳурмати ва эътибори бор фаол аёллар сафи кенгайиб бораётгани айни муддао бўлмоқда. Опанинг бир гапи жудаям маъқул келди: "Йигирма беш йил далада бригада бошлиғи бўлиб ишлаб вилосипед ҳам ололмаган эдим. Фермер бўлиб "Нексия"да юрибман. Бу мустақиллигимиз шарофатидан".

Ҳар гектар ғалла майдонидан 64,4 центнердан ҳосил олинди. Ўттиз тўққиз тонна буғдой фермер хўжалиги азаматларига мукофот тариқасида тарқатилди. Ғалла ва пахта етиштиришнинг ўзидан 22,5 миллион сўм соф фойда олинди. Опанинг бу йилги умидлари янада катта. Фермер хўжалигининг учта чопиқ, ҳайдов, транспорт тракторлари, енгил автомашинаси бор.

Ўғли Бахтиёр ҳам онасига елкадош. У қишлоқ хўжалиги соҳасини танлади. Пахтачилик институтини битириб, фермер хўжалигида мутахассис бўлиб ишлаётир. Манзурахон қизи эса ўқитувчилик касбини танлади. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун ҳам опа бошлиқ фермер хўжалиги муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Маҳалланинг газлаштиришга ёрдам беришди. Битта оилага қорамол олиб берилди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериб борилаётир.

Наврўз байрами муносабати билан хўжалик аъзоларига дастурхон ёзилди, сумалак қилинди. Совғалар тарқатилди. Мавсум бошланиши олдидан яхши кайфият улашилди.

Опа билан дилдан суҳбатимизнинг яна бир шингилини қоғозга туширдим: "Бундан ўттиз етти йил аввал волидамиз Анзиратхон онамдан, орадан икки йил ўтмай эса отамдан айрилдим. Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган беш нафар укам менинг қўлимда қолиб кетди. Уларни оқ ювдим, оқ тарадим. Ўқитдим, уйладим, жойладим. Ўзим қийналсам қийналдим, аммо жигаргўшаларимдан бор меҳримни аямадим. Она ўрнида она, ота ўрнида ота бўлдим. Меҳнатларим роҳатини кўриш насиб этгани учун Оллоҳга шукр. Ҳечам кам бўлмадим. Меҳнат қилган инсон ҳеч қачон хор бўлмас экан, бу менинг ҳаётий ҳақиқатимдир!".

Мурод ЎРИНБОЕВ.

Мерос

БУХОРО ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Археологик маълумотларга кўра, Бухорога милоддан аввалги I минг йилликларнинг ўрталарида асос солинган. Унинг номи турлича, яъни Ан, Анси, Анго, Бухо, Буку, Бухэ, Бухаэр, Бухуаэр, Бухала, Бухуала, Фухо, Пухуала деб аталган. Ўрта аср араб манбаларида эса Бухоро Нумижкат, Навмичкат, Бумичкат (Янгиқўрғон), Ал-Мадина ас-Суфрийя (Мис шаҳар), Мадинат аттужжор (Савдогарлар шаҳри), Фохира (Фахрли шаҳар) каби номлар билан тилга олинган.

Бухоро атамаси санскритча «вихора» сўзининг турк-мўғулча шакли «бухор» (ибодатхона)дан келиб чиққан деб тахмин қилинган. Кейинги тадқиқотларда бу атама суғдийча «буғ» ёки «баг» (Тангри) ҳамда «оро» (жамол) сўзларидан иборат бўлиб, «Тангри жамоли» деган маънони англатади. Дарҳақиқат, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Бухоро ва унинг атрофидаги ерлар қадимда ниҳоятда хушманзара, ҳайвоноту ўсимлик дунёси бетакрор, кўл ва оқар сувларга бой бўлганини Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асаридаги маълумотлар тасдиқлайди.

Бухорони археологик жиҳатдан фаол ўрганиш ишлари ўтган асрнинг 70-80-йилларига тўғри келади. Шаҳар ўзаги уч қисм, яъни «Олтин ирмоқ» ўнг қирғоғида жойлашган Арк-Қалъа ҳамда унинг ўнг ва сўл қирғоқларидаги қишлоқлардан иборат бўлган. Бу ердан топилган кўплаб ашёвий далиллар, хусусан, сопол идиш ва буюмлар Бухоро тарихининг турли даврлари (милоддан аввалги I минг йилликнинг III чорагидан XX аср бошларига қадар)га оид бўлиб, улардан 2 таси милоддан аввалги V асрга тааллуқли эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, Бухоро Аркида олиб борилган археологик қазилмалар вақтида яна кўплаб янги ва нодир ашёвий далиллар топилдики, улар шаҳар тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ерда 13-15,5 метр, шунингдек, 16,5-18,5 метр чуқурликдан 2 та пахса девор қолдиғи топилган. Улар Бухоронинг қадимги мудофаа девори харобалари бўлиб, бири (милодий IV-V асрлар)нинг баландлиги 2-5 метр, иккинчиси (милоддан аввалги IV-III асрлар)ники 2-2,5 метр. Шунингдек, шаҳарнинг ёшини аниқлаш мақсадида бутун Бухоро воҳаси бўйлаб, хусусан, йирик археологик ёдгорликлар — Пойкент, Қўрғони Вардонзе, Ромитан, Варахша, Хожа Бўстон, Қўзимонтепа, Оқсочтепа ва бошқа жойларда кенг археологик қазилма ишлари олиб борилган.

Милоддан аввалги IV асрда Бухоро Арки қурилажак ҳудуд баланд мудофаа девори ва кенг ҳандақ билан ўраб олиниб, унинг этагида учта мустаҳкамланган манзилгоҳ жойлашган. Мазкур манзилгоҳлардан бири Фиробдиз, иккинчиси Навмичкат, учинчиси Бухоро деб аталган. Кейинчалик бу уч манзилгоҳ ўзаро бирлашиб ва тараққий этиб, каттагина шаҳарга, яъни Бухоро воҳасининг савдо ҳунармандчилик ва маъмурий марказига айланган. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги шаҳарда илк даврлардан бошлаб ҳунармандчилик тармоқлари (кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, шишасозлик, кандакорлик, зардўзлик, бадиий каштачилик) ва савдосотиқ ишларининг ривожланишига туртки бўлган.

Бухоронинг исломиятга қадар бўлган сиёсий тарихи хусусидаги маълумотлар милодий VII-VIII асрлар билан чегараланади. Бу пайтда шаҳар Бухорхудодлар ҳокимлиги пойтахти эди. 709 йилда Араб халифалиги томонидан фатҳ этилган, IX-X асрларда Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлган шаҳарни 999 йилда Қорахонийлар, 1220 йили мўғуллар босиб олган. 1370 йилдан Бухоро Амир Темур ва Темурийлар давлати, XVI аср бошидан Шайбонийлар ҳукмронлиги остида бўлган. 1533 йил бу давлат пойтахти Самарқанддан Бухорога кўчирилиши туфайли Бухоро амирлиги деб атала бошлаган ва 1920 йилгача Бухоро амирлиги марказ бўлган, сўнг шўролар томонидан босиб олинган.

Истиқлол туфайли мустабид тузум даврида диёримиздаги ўз қадрини йўқотаёзган, мазмун-моҳияти билан нафақат халқимиз, балки бутун дунё, ислом оламида ўзига хос ўринга эга, муқаддас қадамжолар жойлашган гўшалар обод қилиниб, ўз номига муносиб эъзозланмоқда. 1997 йилнинг октябрь ойида Бухоронинг 2500 йиллиги юртимизда кенг нишонланиши муносабати билан вилоятдаги 50 дан ортиқ тарихий-меъморий обидалар таъмирлангани, янги истироҳат боғлари, хиёбонлар барпо қилингани сўзимизнинг исботидир. Зеро, юртимиздаги улуғ олиму уламолар, фозилу фузалолар, аллома-ю авлиёлар яшаган, муборак қадамлари теккан Бухоро каби жойларнинг фақатгина ўз тарихимизда эмас, дунё тарихида ҳам ўзига хос ўрни борки, бу дилларимизда чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

И. ЙЎЛДОШЕВ.

Дўстлик алоқалари

ГУЛЛАР ШАҲРИДА БАЙРАМ

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқалари узоқ йиллик тарихга эга. Икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик ришталари, айниқса, маданий соҳада кенг қулоч ёзмоқда. Ўтган йилнинг охирларида юртимиз бўйлаб ўтказилган «Раж Капурни хотирлаб» номли тадбир кўтаринки руҳда ўтгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Наманган шаҳридаги «Ёшлар» спорт мажмуасида бўлиб ўтган байрамона концерт дастурини санъатсевар мухлислар мириқиб томоша қилдилар. Бадиий кеча вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистондаги Лаъл Баҳодир Шастри номли Ҳинд маданият маркази томонидан ташкил этилди.

Тадбирда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси 2-котиби Соҳиб Бхаргав Митра жаноблари сўзга чиқиб, икки халқ ўртасидаги ҳамдўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини фахр билан тилга олди. Ҳинд кино-мусиқа санъатига меҳри ҳамиша юксак бўлган ўзбекистонликларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

— Икки халқ дўстлиги мустаҳкамланиб бораётганлигидан мамнунман. Наманганликлар чин санъат шайдолари эканлигига амин бўлдим. Дарвоқе, Наманганни гуллар шаҳри дейишганича бор экан, шаҳар аҳли меҳмондўстлиги, ширинсўзлиги билан бизни лол қолдирди, — деди Доктор Гопал Гучари хурсандлик билан.

Тадбир сўнгида бундай кечаларни тез-тез уюштириб туриш керак, деб таъкидланди.

Оқилхон ДАДАБОЕВ.

Муқаддас қадамжолар

«МУЗРАБОТ ОТА» ЗИЁРАТГОҲИ

Сурхондарё вилоятининг Музработ туманида "Музработ ота" зиёратгоҳи бор. Бу жойнинг номи нега бундай аталгани кўпчилик учун қизиқарли, албатта. Зиёратгоҳга келиб-кетувчилар жуда кўп. Улар бу ҳақда кексалардан эшитганларини эслашади, бошқаларга ҳам айтиб беришади.

Қадимги Насаф, ҳозирги Қашқадарё вилоятининг маркази — Қарши шаҳри танга хуш ёқадиган роҳатбахш тоза ҳавоси, хушсурат, бағрикенг, меҳнаткаш одамлари билан, шарқираган булоқ сувлари, ипак матолари-ю, қимматбаҳо қоракўл терилари, заргарлик ускуналари, турли-туман бойликлари билан Мағрибдан Машриққача маълуму машҳур бўлган. Шаҳарнинг олиму фузалолари, файласуфлари, машҳур кишилари, бой-бадавлат инсонлари ҳам кўп бўлган экан. Шулардан бири — Эрғозибой эди. Унинг Жаҳонгир исмли ўғли бўлган. У болаликдан мударрислар қўлида таҳсил олган. Яратганнинг иноняти билан Жаҳонгир зукко қобилият эгаси бўлган ва одамлар ҳавас қиладиган даражада илмли бўлиб етишган.

Йигит улғайгач Эрғозибой она авлодидан бўлмиш хонадонлардан бирининг ҳусн-да тенги йўқ, парирўй қизини келин қилади. Давлат изнини меросхўрига қолдиришни ният қилган ота Жаҳонгирнинг юрагида буюк мақсад борлигини ҳали билмасди. Илмга чанқоқ Жаҳонгирнинг қалбини илоҳий орзу-истаклар қамраб олганди. Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифни ёддан айтарди у. Кеча-кундуз тиловату тоатибодатни канда қилмасди.

Қиш пайти эди. Жаҳонгир ўғил фарзандли бўлган, эндигина унинг чилласи чиққанди. Насаф карвонсаройидан Арабистонга — муборак ҳаж сафарига карвон жўнашга тайёрланаётганлиги элга овоза бўлди. Бундан хабар топган Жаҳонгир йўл тадоригини кўриб, отасига ҳаж сафарини ихтиёр этганлигини айтади. Отаси сафарга отланишига рози бўлиб, унга дуо беради. Мулозимларини чақириб, 40 туя юк ва шунга лойиқ анжомлар ҳадя қилади. Карвон йўлга тахт бўлди. Жаҳонгирнинг ҳурлиқо хотини ўғлини кўтариб келиб, бегим, омонатингизни олиб, жавобимни бериб кетинг, — дейди.

Жаҳонгир боласини қўлига олиб, бағрига босади. Келинчакнинг жавобини бериб, унинг боши очиқ эканлигини эълон қилгач, йўлга тушади. Туялар карвони бир меъёрда йўл юриб, Сурхон воҳасининг Қийик дара билан туташ Ғоз кўли бўйига келиб тўхтайди. Бу ерда дам олиш учун қўним топадилар. Чақалоқ ҳам тунни осуда ўтказди. Азонда, бомдод намозидан сўнг карвон йўлга отланаёган эди. Қуёш ҳали ўз нурларини ёйиб улгурмаган. Жаҳонгир ўғилчасини бағрига босганча қибла томонга тикилиб турарди. Кун бошидан муаттар бўй аралаш бир тутам заррин нур ҳарир оқ туманга ўралиб Жаҳонгир турган ергача етиб келди ва уни бор бўйи билан чулғаб олди. Буни кўриб турган карвон аҳли ерга тиз чўкиб, муқаддас "иймон" калимасини ўқидилар. Жаҳонгир фарзанди билан оқ нур уммонига ғарқ бўлди ва шу пайт Жаҳонгир ҳожи, ҳажингиз қабул бўлди, — деган овоз эшитилди.

Нур оқими қайтгандан сўнг Жаҳонгирнинг йўлида муздан работлар пайдо бўлди. Жаҳонгир муз работларини айланиб ўтиб йўлида давом этмоқчи бўлганида муз работлар унинг қадами тенги юриб изидан эргашдилар. Холиқ эгам қўллаган бандасига тоғу тош, зироату парранда ва ойнадек сувли Ғоз кўли ҳам қадамлаб юриб, эргашиб, итоат этдилар.

Ҳожи Жаҳонгир изига қараб лол қолади ва иймон келтириб, ўғлига қараб "Энди бизнинг манзил-маконимиз Музработ бўлади. Биз шу ерни обод айлаб, шу ернинг ўтроқ одамлари бўлиб қоламиз", дейди. Кўл бўйи — Кийикдарада унинг фарзанди, неваралари унибўсиб улғайдилар. Бу жойнинг номи ана шундан Музработ бўлиб қолган экан.

Ҳожи Жаҳонгирнинг авлодлари бугун ҳам Музработни обод қилмоқдалар. "Музработ ота" зиёратгоҳига келганлар яхши ният билан уларнинг ҳақига дуо қилишади ва тилаклари ижобат бўлади.

Жуманазар АНОРОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Фармон ва ижро

«ШИМОЛ ГЎЗАЛЛАРИ» ЎҚУВ МАРКАЗИ

Наврўз айёми муносабати билан Навоийда 50 дан ортиқ янги объектлар ишга туширилган бўлса, вилоятнинг энг чекка ҳудудларидан ҳисобланган биргина Учқудуқ туманида маҳалла гузари, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, тикув цехи ва ўқув ишлаб чиқариш маркази каби 14 та объект фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида хотин-қизларнинг иш билан бандлигини ошириш, уларни касбга тайёрлаш ишларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган "Шимол гўзаллари" деб номланган ўқув ишлаб чиқариш маркази ана шундайлардан биридир. Ўқув марказини зарурий жиҳозлар билан таъминлаш туман ҳокимлиги томонидан 1 миллион 500 минг сўмлик маблағ ажратилди.

Бугунги кунда марказда тикувчилик, пазандачилик, компьютер саводхонлиги, иш юритувчи котибалик, ҳисобчилик йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, ҳар чоракда мазкур марказда 60 нафардан ортиқ хотин-қизлар касбга ўргатилади.

— Келажакда ҳомий ташкилотлар ёрдамида марказ фаолиятини кенгайтириш, янги йўналишлар бўйича хотин-қизларни жалб этиш ниятидамиз, — дейди туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Озода Эргашева. — Бу эса туманимиз хотин-қизларининг иш билан бандлигини таъминлашда ва уларнинг касб маҳоратини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув марказини тугатган тингловчиларга диплом ва гувоҳномалар берилиши кўзда тутилган.

Дилбар РАЗЗОҚОВА.

Спорт

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Мирзачўл тумани Жиззах вилоятининг энг чекка ҳудудида жойлашган. Бу ерда 74 мингдан зиёд турли миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Туманда 6 та маданият саройи фаолият кўрсатмоқда. Абай номли, "Тошкент", "Янги дала", "Пахтазор", "Туркистон" агрохизмат марказлари ҳамда Гагарин шаҳридаги "Чўлқувар" маданият саройлари кейинги пайтда гавжумлаша бошлади. Уларда катта ҳажмдаги таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Биргина "Чўлқувар" маданият саройи ва Қозоқ миллий драма театри биносида олиб борилган капитал таъмирлаш ишларининг кўлами кенг бўлди. Маданият саройи қошида спорт мажмуаси ташкил этилди. Кураш, каратэ, волейбол, теннис, аэробика каби ўнга яқин тўгараклар ишлаб турибди. Ушбу масканни таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 2 миллион сўм маблағ сарфланди. Спорт тўгаракларига 300 нафар бола жалб этилган.

Маданият саройи қошида шу каби 5 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. 150 нафар киши санъатнинг рақс, ашула, соз чалиш, миллий чолғу асбобларини созлаш ва таъмирлаш, миллий либослар дизайни каби турлари билан шуғулланмоқдалар. "Алёр" фольклор жамоаси вилоят ва республика кўрик-танловларида фаол иштирок этиб ғолиб бўлди.

"Пахта", Қозоқ этнографик фольклор ансамбллари ҳамда қозоқ миллий эстрада жамоаларининг эришаётган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ. "Боғзор"



хўжалигидаги маданият саройи қошида Қозоқ миллий драма театри мана, 6 йилдирки, фаолият кўрсатиб турибди. "Янги дала" хўжалигидаги маданият саройида "Пахта" ансамбли мавжуд. Шунингдек, бу ерда доирачилар ва ашулачилар тўгараклари ташкил этилган.

— Мавжуд маданият саройларини таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан ва ҳомийлар ёрдами билан 6 миллион сўм ажратилди, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Маҳмуджон Юсупов. — Бу маблағнинг бир қисмини маданият саройларини таъмирлашга, жиҳозлашга сарфлаяпмиз. Қолган қисмига мусиқа асбоблари, кийим-кечаклар сотиб олишни ҳам мўлжаллаб турибмиз.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Танлов

«НАВРЎЗ МАЛИКАСИ»

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими, соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги тиббиёт масканларида фаолият юритаётган ёш ҳамширалар иштирокида "Наврўз маликаси" кўрик-танловини ўтказди.

Тадбир ёш тиббиёт ходимларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ибратли ишларини тарғиб қилиш мақсадида ташкил қилинди. Танлов иштирокчилари таништирув, топқирлик ҳамда уй бекаси каби шартлар бўйича беллашиб, ўз билим ва маҳоратларини намоён этдилар.

Мусобақада Яккасарой туманидан келган иштирокчи учинчи ўрин, Сергели тумани вакили эса иккинчи ўрин, Собир Раҳимов туманидан келган ҳамшира қиз биринчи ўрин соҳибаси бўлишди. Барча мусобақа иштирокчилари Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Нуржаҳон АВАЗОВА.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ўзбек феъли

ЭНДИ ФАҚАТ «БЕШ»ГА ЎҚИЙМАН

Андижондан Жалақудуқ туманига олиб борадиган йўллар равон. Эрталабдан ғизиллаб автомашиналар ўтиб турибди. Бекатларнинг бирида ўндан ортиқ ўқувчи болалар бир-бирлари билан талашиб тортишаётир. Нарироқда бир бола ёлғиз ўзи турарди.

"Шу болани олиб кетай", — деган фикр кўнглимдан ўтди. Машинамни тўхтатдим.

— Ўтир, мактабга кетаётгандирсан-а?

— Ассалому-алайкум, тоға, мактабгача олиб кетинг.

— Ваалайкум ассалом, ўтирақол, исминг нима?

— Илёсбек.

— Йиғладингми, нега хафасан?

— Ҳозиргина мендан икки синф катта бола қорнимга мушти билан урди. Шунга қорним оғрияпти, — дейди бола кўзлари намланиб.

— Эй, хафа бўлма, ўғил болаликда шунақаси ҳам бўлади. Бугун урушасан, эртага дўст бўлиб кетасан. Ўқишдан гапир, қандай баҳолар олаяпсан?

— Тўрт, беш.

— Тўрт-беш деганинг нимаси, ўғил бола фақат бешга ўқиши керак, тушундингми, — деб унга икки дона конфет олиб бердим. Унинг юзига илиқлик югурди.

— Раҳмат, тоға, энди фақат "беш"га ўқийман, — деб Илёс мактаби ёнида тушиб қолди...

Кўнгли ўксиб турган болага меҳрибонлик қилганимдан тўлқинланиб кетдим.

Шунда муқаддас китобларда ёзилган: "Бола ғамхўрлик қилинадиган неъматдир", деган ҳикмат беихтиёр ёдимга тушди.

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

Бўлган воқеа

ЙЎЛ КЎРСАТГАН ҚАРИЯ

«Очарчилик... Қозоқлар қўлидаги бор молини колхозга топширгандан кейин моллар бировларнинг қўлида кетди. Қолгани ўлди, ўғирланди, хуллас, оз вақтда ҳеч вақо қолмади. Уззукун далада буғдой бошоғини терамиз. Бирор кундан кейин бошоқ ҳам, чайнаб ейдиган ўт ҳам топилмай қолди.

Одамлар еган ўтидан шишиб ўла бошлади. Икки-уч кун зимдан тайёргарлик кўриб, бор юкларимизни туяга ортиб, бир кечада овулдан кўчиб кетдик. Қоратов ошиб, Арис-Бадан элига келдик. Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради. Ўлганлар ўлиб, ўлмаганлари бошини олиб кетибди. "Очдан ўлган кишининг мозори йўқ", деган сўзнинг маъносига ўша йиллари тушундик. Ҳар ерда ўликлар ётарди. Ўзим билан икки кишини олиб, овулга яқин ерда-ги майитларнинг танасини жуда бўлмаса тупроқ билан кўмайлик, деб йўлга чиқдик.

Қалин ўсган ёввойи жийдалар орасида ётган майитларни бир ерга тўплай бошладик. Бағрига ғўдагини қучоқлаганча қотиб қолган она... Кўнглим бўшаб йиғлаб юбордим. Энди ер қазигани кетмонни қўлга олганимизда ердан чиқдими, осмондан тушдими, билмайман, оппоқ кийинган, қўлида асо ушлаган бир мўйсафид келди. Учовимиз билан ҳам қўл олишиб сўрашди. Қўли шундай юмшоқ, юзидан нур ёғилади, меҳридарё одамдай туюлди менга. Чол бизга: "Гўрни бу ердан эмас, мен ҳозир тўхтайдиган жойдан қазинглар", — деди-да, аста юриб кетди.

Олдимизда кичкина тепалик бор эди, оқ кийимли отахон шу томонга йўналди. Тепаликка чиқиб, тўхтади. Бизга қарамади. Биз қараб турибмиз. Кутилмаганда оқ кийимли мўйсафид тикка кўкка кўтарилди-да, кўздан ғойиб бўлди. Ҳайратдан оғзимиз очилиб қолди. Хуллас, ўша куни тепадан ер қазиб, атрофда ётган ўликларни кўмишга киришдик. Бу иш билан бир ҳафта шуғулланишимизга тўғри келди. Охирги куни ишимизни тугатиб, овулга кетаётиб, орқамга қарасам, тепанинг пастида оқ кийимли мўйсафид ўтирибди. Биз ҳам ўша томонга қараб ўтирдик. Чол юзига фотиҳа тортганида, биз ҳам кафтимизни юзимизга тортиб: "Марҳумларнинг охирати обод бўлсин", — дедик. Чол ўрнидан турди-да, яна кўздан ғойиб бўлди. Биз ҳеч нарсага тушунмасдик. Ўша пайтда Аллоҳ деб айтсанг, балога қолардинг. Шунинг учун эл орасида ғойибдан келган отахон хусусида ҳеч нима айта олмадик».

Шу ҳикояни айтган Абду қария ўтган кунларни кўз олдига келтириб, бироз сукутда ўтирди-да, шундай деди:

— Бу фоний дунёда яхшилик кўра олмаганларнинг ҳеч курса боқий дунёда ётган ери обод бўлсин, деб йўл кўрсатган зот Аллоҳ таоло юборган фариштадир, эҳтимол...

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

Ўқинг, қизиқ!

ДУНЁДА ТИЛЛАР КЎП

• Дунё тилшуносларининг Испанияда бўлиб ўтган халқаро конгресси маълумотига кўра, ҳозир ер юзида 2976 хил тил мавжуд. Агар у ёки бу тилнинг шеваларини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда жаҳондаги тилларнинг умумий сони беш мингдан ҳам ортиб кетади.

• Ер юзи аҳолисининг учдан икки қисми 13 хил тилдан фойдаланади. Булар улуғ тил ҳисобланиб, ҳар бирида 50 миллиондан зиёд одам ғаплашади.

• Америкада «америка тили», Бельгияда «бельгия тили», Чилида «чили тили», Аргентина ёки Мексикада «аргентина» ёки «мексика тили» бўлмаганидек, Швейцарияда ҳам «швейцар тили» йўқ. Швейцариянинг ғарбий вилоятларида французча, Тессин (Тичино)да итальянча, кўпчилик вилоятларда эса немисча сўзлашадилар.

• Ҳиндистонда 500 атрофида турли хил шевалар бор.

• Одатда, сўроқни ифода қилувчи гап охирига сўроқ белгиси («?»), ҳисҳаяжон билан ифода қилинган гап охирига эса ундов белгиси («!») қўйилади. Бироқ испан тилида сўроқ ва ундов белгиси гапнинг охирига қўйилишидан ташқари, яна ўша гап ёки фикрнинг олд қисмига ҳам тескари шаклда қўйилади.

• Испан тили Испания, Марказий ва Жанубий Америкадаги барча давлатларнинг давлат тили ҳисобланади. Бу тил Филиппин ороллари ҳам тарқалган.

• Немис тилидаги ҳамма отлар, одатда, бош ҳарф билан ёзилади.

• Тиниш белгиларидан вергулнинг номи қозоқ, қирғиз, татар, бошқирд, қорақалпоқ тилларида «унир» деб, уйғур тилида эса «паш» деб аталади. Вергул биринчи марта XVI асрларда қўлланила бошлаган. Уни дастлаб венециялиқ машҳур матбаачи Альд Мануций ишлатганди. Бунга қадар китобларда фақат икки тиниш белгиси: нуқта ва икки нуқта қўлланар эди. Шунингдек, ношир ўзи нашр эттирган китобларга сарлавҳа ёки ном қўйишни ҳам жорий қилган.

• Қўштирноқ («») ўзбек тилига рус тилидан ўтган, рус грамматикасига эса тилшунос олим А.Барсов томонидан киритилган бўлиб, олим уни «киритиш» белгиси деб атаган. Қўштирноқнинг ҳозирги ўзбек ёзувида қўлланиш доираси анча кенг бўлиб, у асосан синтактик-стилистик вазифани бажаради.

• Жаҳон тиллари ичида биргина ҳарф ёки товушдан иборат бўлган тил номи ҳам бор. Бунга «И» тили киради. «И» тили Хитойнинг Сичуань, Юньнань, Гуйчжоу вилоятларида тарқалган. «И» тили хитой-тибет тиллари оиласининг тибет-бирма тиллари гуруҳига киради.

• Бирмада яшовчи бир кишининг исми дунёда энг қисқа исм бўлиб, биргина айириш (ъ) белгисидан иборат, холос. Франциянинг шарқида шундай шаҳарча бор. У «И» деб номланган. Норвегия денгизидаги Лофотен оролидаги қўрғон «А» деб номланган. Шунингдек, Шарқий Рейн ерларидан оқиб ўтувчи дарёнинг номи ҳам «А».

• Ўзбек тилида сўз туркумларидан отларда грамматик кўплик маъноси, асосан, махсус «лар» аффикси билан ифодаланади. Малай-полинезия тиллари оиласининг индонезия гуруҳига кирувчи тилларда эса кўплик сонини ифодалаш учун махсус аффикс қўлланилмайди, балки сўзларни дефис билан такрорлаш орқали англашади ёки сўз охирида математик белги — квадрат қўйиш орқали кўплик маъноси ифодаланади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида

КАФКА НОМИДАГИ МУКОФОТ СОҲИБИ



Франциялик йирик шоир, таржимон ва эссенавис Ив Бонфуа 2007 йил учун Франц Кафка номидаги мукофот соҳиби бўлди.

Ушбу мукофот Прагадаги Франц Кафка жамияти томонидан шоирнинг адабиётда эришган ютуқлари учун берилди. Мукофот жорий йилнинг октябрь ойида Прага шаҳар мерияси томонидан топширилади.

Ив Бонфуа Пуатье ва Сорбонна университетларида математикани ўрганган. Кейинчалик у ўқишни санъат тарихи факультетида давом эттирган. Айнан шу даврлардан бошлаб ўзининг илк шеърларини бита бошлаган. Андре Бретон, Гастон Башляр, Шарл Бодлер ва Артюр Рембо сингари етук шоирларни ўзига устоз деб билади. Шоирнинг 1953 йилдан буён бир қатор таржима ва шеърий асарлар тўпламлари ва Франция санъатига бағишланган тадқиқотларга бағишланган ўнлаб монографиялари чоп этилган. Ушбу мукофот Бонфуа учун биринчиси эмас. У бунга қадар Гонкур, Монтен ва Франция академиясининг мукофотларини ҳам қўлга киритган.

«ЮЛДУЗЛАР ЖАНГИ» 30 ЁШДА

Америка Киноакадемияси "Юлдузлар жангини"нинг ўзига хос юбилейинин нишонлашга қарор қилди. Ушбу анжуман жорий йилнинг 23 апрелида Samuel Goldwyn Theater мажмуасида ўтказилиши режалаштирилган.

Расмий пресс-релизда таъкидланишича, шу куни бўлиб ўтадиган "Янги умидлар" фильмидан сўнг махсус матбуот анжумани ўтказилади. Журналистларнинг саволларига машҳур фильмнинг ижодкорлари — режиссёр Жорж Лукас, продюсер Гари Курц, махсус эффектлар устида ишлашган Жоп Дикстра, Ричард Эдлунд ва бошқалар жавоб беришга уриниб кўришади.

Классик трилогиянинг илк серияси "Юлдузлар жанги. Янги умид" фильми 1977 йилнинг баҳорида экранларга чиққан. Фильмнинг 11 миллионлик бюджети ўша пайтлар учун рекорд қийматни ташкил этган эди. Шунингдек, фильм кинопрокатларда жамлаган 770 миллионлик сумма ҳам ўз даври учун рекорд эканлигини унутмаслик лозим.

КЕМА ҲАЛОКАТИ

ИТАР-ТАСС мухбири тарқатган хабарга кўра, Гвинея давлати қирғоқларида ушбу мамлакатнинг катта балиқ овловчи кемаси ҳалокатга учради ва қисқа муддатда чўкиб кетди. Кема бортидаги 120 нафар йўловчининг 36 нафари қутқарилди. 57 нафар кишининг мурдаси сувдан чиқариб олинди. Қолган 27 кишининг тақдири ҳозирча номаълум.

27 ЙИЛ УЙҚУСИЗЛИКДА

Вьетнамлик 49 ёшли Нгуен Ван Кха 27 йилдан буён ухламаган бўлса-да, ўзини яхши ҳис қилмоқда. У охирги марта 1979 йили тўйиб ухлаган. Шундан сўнг ўзида қандайдир ўзгаришлар юз бераётганини сезган ва уйқусизликка мубтало бўлган.

ИТАР-ТАСС ахборотида ёзилишча, шунча йилдан бери ундаги феномен ўзининг илмий тасдиғини топгани йўқ. Уни текшириб кўрган Европа ва Шарқ олимлари бу хасталик сабабларини тузукроқ тушунтира олмаяпти. Шифокорлар тавсия этган муолажалар ва дори-дармонлар эса натижа бермаётир.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Маслаҳат

Тушкунлик — асоссиз безовталик, атрофдагиларга бефарқлик, айбдорлик ҳисси, ҳаётдан лаззатланишнинг йўқлиги, ёлғизлик ва осудаликка интилиш, ўзини ақлан заиф сезиш билан кечадиган ҳолат. Агар сиз шундай ҳолатда бўлсангиз, руҳшуносга мурожаат қилганингиз маъқул. Бироқ бу ҳолат унча кучайиб кетмаган бўлса, ўзингизга ўзингиз ёрдам беришингиз ҳам мумкин. Бунда сизга қуйида берилаётган маслаҳатлар ёрдам беришига ишонамиз.

ТУШКУНЛИКДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛИШ МУМКИН?

Биринчи навбатда, сиз бирорта фаол иш билан машғул бўлишингиз лозим. Бунинг учун сайр қилишга чиқинг, дўстларингизни кўришга боринг, қизиқарли бирор нарса ўқинг, шахмат ўйнанг, болалар билан машғул бўлинг. Ҳар хил одамлар даврасида кўпроқ бўлинг, ёлғиз қолмасликка, тушкунликка алоқадор нарсалар тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қилинг. Шундай йўллар билан ўзингизни чалғитинг. Кайфиятингизни кўтарадиган ҳар бир нарса сизга дори сифатида таъсир қилади.

Тушкун кайфиятдаги одамлар мунтазам равишда жисмоний машқ билан шуғулланса, ўзларини яхши ҳис қиладилар. Айниқса, пиёда ва велосипедда сайр қилиш, югуриш, сузиш киши кайфиятига яхши таъсир кўрсатади.

Овқатни кўп ҳам, кам ҳам еманг. Ўрта меъёрдаги парҳезга амал қилинг. Ўта семизлик ҳам, ўта озғинлик ҳам тушкунлик ҳолатини келтириб чиқариши мумкин.

Тушкунлик ҳолатида ишончли бўлган яқин қариндошлар ва дўстларингиз билан маслаҳатлашмасдан бошқа жойга кўчиш, ишни алмаштириш, турмуш қуриш каби жиддий муаммоларни ҳал қилманг. Муҳим ишларингизни тушкунлик ҳолатидан чиққунга қадар кечиктириб туришга ҳаракат қилинг.

Бундан ҳам ёмон вазият юзага келиши мумкин эди ёки ҳар қалай бошқаларга нисбатан менинг аҳволим яхши каби фикрлар билан ўз кайфиятингизни кўтаришга ҳаракат қилинг. Қуёшдан ҳимояловчи кўзойнак тақинг, токи сизнинг тушкун аҳволингизни ҳеч ким сезмасин ва тушкунлик ҳолатингиз ҳақида сўз очиб кайфиятингизни бузмасин.

Халқ табобати бу борада қуйидаги даво воситаларини тавсия этади:

— эрталаблари тузли сув билан артининг (500 мл. сувга 1 чой қошиқ туз);

— бир ош қошиқ ялпизни 200 мл. қайноқ сувга солиб 10 минут давомида қайнатинг, эрталаб ва кечқурунлари 100 мл. дан ичинг;

— бир ош қошиқ мойчечак (ромашка)ни 200 мл. қайноқ сувга солиб дамланг. Кейин совутиб сувини сиздириб олинг ва кунига 3 маҳал овқатдан 30-40 минут олдин ичинг;

— ялпиз, валериана ва учбарг (вахта трехлистная)лардан тенг қисмда олиб 200 мл. қайноқ сувга солиб дамланг. Ушбу дамламадан кечқурунлари ичиб туриш ҳам яхши самара беради.

Манзура ШАМСЕВА тайёрлади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти 20.00 Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 323. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1934 Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5

Босишга топширилди 19.00